



ХУДУДЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ХАФВСИЗЛИКНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Хамидова Фаридахон Абдулкарим қизи

Тошкент молия институти докторанти, и.ф.н., доцент.

Тошкент, Ўзбекистон. Email: faridaxon.xamidova@mail.ru

ORCID:0000-0002-3780-151X

FINANCIAL-INVESTMENT ACTIVITY OF THE TERRITORIES AS A FACTOR OF ECONOMIC SECURITY

Faridakhon Abdulkarimovna Khamidova

Associate professor, PhD, Tashkent Financial Institute.

60A, Amir Timur avenue, Tashkent, Uzbekistan

Email: faridaxon.xamidova@mail.ru

ORCID: 0000-0002-3780-151X

JEL Classification: E2, E22

Аннотация. Мақолада ҳудудларининг молиявий-инвестицион фаоллигини ривожланишиниг долгзарб масалалари тағсилотли тарзда таҳлил этилган. Ҳудудларниң молиявий-инвестицион фаоллиги моҳияти назарий жиҳатдан ўрганилган ва унинг аҳамияти иқтисодий нуқтаи назардан тавсифланган. Ҳудудларда иқтисодий хавфсизлик стратегиясини ҳаётга татбиқ этиши учун уни амалга ошириши механизмини ишлаб чиқиши, ҳамда ҳудудларининг молиявий-инвестицион фаоллигини ошириши зарурлиги белгиланган.

Ўз навбатида давлатнинг иқтисодий хавфсизлик ҳолатини турли омиллар таъсирида баҳолаб бориши стратегик муҳим вазифадир. Иқтисодиёт тизимининг тармоқлари ривожланганлиги даражаси, минтақавий иқтисодий ҳолатнинг таҳлили, камчиликларни камайтириши йўллари ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишининг илмий асослари тизимли ва комплекс таҳлил натижасида аниқланганлигини тақидлаш мумкин.

Бунинг учун эса ушибу мақола доирасида иқтисодий хавфсизликни комплекс таҳлил қилиши, иқтисодий хавфсизликни

таъминлашида ҳудудларниң молиявий-инвестицион фаоллигини тизимли тадқиқ этиши мақсадга мувофиқ.

Шунга кўра, ҳудудларда иқтисодий хавфсизликни баҳолашни комплекс таҳлил қилиши тизимининг назарий-услубий ва амалий жиҳатларини тизимли тадқиқ этиши ва методологиясини яратиш, шунингдек, иқтисодий хавфсизликни баҳолаш тизимини шакллантириши имконини берадиган омиллар таҳлил этилган. Юқорида баён этилганларга асосланиб ҳудудларниң молиявий-инвестицион фаоллигини оширишида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масалалари айнан молиявий ва инвестицион жиҳатларини ёритишга асос бўлган, бўнда давлат бюджетида солиқли даромадларнинг тушуми, ҳудудлар маҳаллий бюджет даромадлари ҳажмида солиқларнинг улуши, ҳудудларда фаолият кўрсатा�ётган тадбиркорлик субъектлари – корхона ва ташкилотлар сони, ҳудудлари кесимида фаолияти тугатилган иқтисодий фаолият шитирокчилари – корхона ва

ташкилотлар сони, ҳудудлар кесимида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, ҳудудлар кесимида молиялаштириши манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби, ҳудудлар кесимида инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашнинг ICOR индекси ва ушибу кўрсаткичларнинг таҳлили олиб борилган. Шунингдек ҳудудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланишида уларнинг молиявий-инвестицион фаолигини ошириш бу жараёндаги муаммолар уларнинг сабаблари, ҳудудларинг иктисодий хавфсизлигини таъминланишига бўлган зарурат, хусусан хорижий тажрибалар ва олимларнинг бу соҳадаги тадқиқом ишларидан ҳаволалар келтирилган.

Abstract. In the article, the current issues of the development of financial and investment activity of the regions are analyzed in detail. The nature of the financial and investment activity of the regions is studied from a theoretical point of view and its importance is described from an economic point of view. In order to implement the strategy of economic security in the regions, it is necessary to develop a mechanism for its implementation, as well as to increase the financial and investment activity of the regions.

In turn, it is a strategically important task to assess the economic security of the state under the influence of various factors. It can be noted that the level of development of branches of the economic system, the analysis of the regional economic situation, the ways to reduce the shortcomings and the scientific basis of effective use of existing opportunities were determined as a result of a systematic and comprehensive analysis. For this, within the framework of this article, it is appropriate to conduct a comprehensive analysis of economic security, a systematic study of the financial and investment activity of regions in ensuring economic security.

Accordingly, the factors that allow for the creation of a systematic research and methodology of the theoretical-methodical and practical aspects of the system of comprehensive analysis of the economic

security assessment in the regions, as well as the formation of the economic security assessment system were analyzed. Based on the above, the issues of ensuring economic security in increasing the financial and investment activity of the regions are the basis for highlighting the financial and investment aspects, including the income of tax revenues in the state budget, the share of taxes in the volume of local budget revenues of the regions, the number of business entities operating in the regions - enterprises and organizations, and regions participants of economic activity whose activities have been terminated in the region - the number of enterprises and organizations, investments in fixed capital in the region, the composition of capital investments by sources of financing in the regions, the ICOR index of the evaluation of the effectiveness of investments in the regions and the analysis of these indicators was carried out. Also, increasing their financial and investment activity in the socio-economic development of their regions, the problems in this process, their causes, the need to ensure the economic security of the regions, in particular, references from foreign experiences and research works of scientists in this field are presented.

Калим сўзлар. иктисодий хавфсизлик, инвестиция, инқироз, ҳудудлар иктисодиёти, иктисодий ўсиш, динамик ривожланиши, талаб ва тақлиф, молиявий-инвестицион фаоллик, иктисодий муносабатлар, ахборот алмашинуви, давлат сиёсати, иктисолий хавфсизлик индикаторлари, ICOR индекси.

Keywords. economic security, investment, crisis, regional economy, economic growth, dynamic development, supply and demand, financial-investment activity, economic relations, information exchange, state policy, economic security indicators, ICOR index.

Кириш. Ҳозирги кунда ҳудудларнинг молиявий-инвестицион фаолигини ривожланишида иктисодий хавфсизликни таъминлаш учун миллий иктисодиётни тузилмага келтириш ва модернизация қилиш учун узоқ ва қисқа муддатда инвестицияларни кўпайтириш

талааб этилади. Бироқ турлича ташқи ва ички таҳдидларнинг мавжудлиги миллий иқтисодиётнинг ривожланишига маълум даражада тўсқинлик қиласди.

Худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда миллий хавфсизликни таъминловчи омилларнинг оптимал қийматларини белгиловчи сифат ва миқдор усуллари, замонавий шакл ва моделларга муҳим эътибор қаратилади. Ўзбекистон имкониятлари ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда унинг иқтисодиёти ўзгарувчан бозор шароитлари ва усулларига мослаша олади, мос равишда оптималлаштириш кўрсаткичлари ҳам ўзгариши мумкин.

Материал ва метод. Аксарият муаллифлар иқтисодий хавфсизликни иқтисодий тизимнинг ташқи ва ички омиллар таъсирига барқарорлиги деб таърифлайдилар, барқарорлик эса унинг ривожлантирилишини тақозо этади. Барқарорлик ва ривожланиш иқтисодий хавфсизлик муаммосига динамик ёндашувни тақозо этади. Шунингдек, иқтисодий хавфсизлик индикаторлари вақт ўтгани сайин ўзгариши мумкин.

Хозирги вақтда мамлакатлар ва минтақаларда, хусусан, ўзига хос шароитга эга бўлган худудларда тўғри таҳлилни ишлаб чиқиши учун зарур бўлган кўрсаткичлар тўғрисида аниқ тасаввур йўйқилиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки ва дунёнинг этакчи университетларини ушбу муаммога эчим топишга ундамокда.

Россиялик иқтисодчи А.Н.Климонова [1] фикрига кўра, маълум бир кўрсаткичлар тўпламини ўз ичига олган ва барча керакли талабларга жавоб берадиган универсал моделни яратиш ўта қийин масала бўлиб, мавжуд маълумотларнинг миқдори ва кўлланилиш доираси олинган маълумотларнинг ишончлилиги ва тизимлаштиришнинг мураккаблиги билан боғлиқ жiddий муаммоларни келтириб чиқаради. Ушбу фикр ўз аксини

иктисодий хавфсизлик индикаторларини аниқлаб олишда қўплаб илмий, таҳлилий ва халқаро адабиётлар гурухининг турлича ёндашувида топади.

Хорижий адабиётлар таҳлилига кўра, Россиялик иқтисодчи олимлар иқтисодий хавфсизлик даражаларини аниқлаш бўйича турли тадқиқодлар олиб боришган. Жумладан, А.В. Калина [2], А.С. Молчан [3] ва Е.А.Бондина [4] худуднинг иқтисодий хафвсизлик даражасини аниқлашда худудларнинг макроиктисодий ривожланиш кўрсаткичлари динамикасидан фойдаланган.

Ушбу мақоланинг методологиясини дедукция, таснифлаш, умумлаштириш, қиёсий, назарий талқин ва таҳлилий услублардан фойдаланилган, библиографик ўрганиш натижасида худудларнинг молиявий-инвестицион фаоллиги тушунчasi пайдо бўлиши, худудларда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг омиллари ва зарурати аниқланган.

Натижалар. Бугунги кунда худуларнинг молиявий-инвестицион фаоллигини таҳлил этишда муҳим ҳисобланган икки жиҳатга алоҳида эътибор қартиш лозим:

биринчиси, худудларнинг молиявий фаоллигини кўрсатувчи кўрсаткичлар таҳлили;

иккинчиси, худудларнинг инвестицион фаоллиги ифода этувчи кўрсаткичлар таҳлили.

Биринчи гурухда тааллуқли бўлган, яъни худудларнинг молиявий фаоллигини кўрсатувчи кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш ўринлидир:

- маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳажми;

- соликлар ва уларнинг маҳаллий бюджетларда тутган ўрни;

- худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони;

- худудлар кесимида фаолияти тутгатилган корхона ва ташкилотлар сони;

- худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони;

- худудлар кесимида фаолияти тутатилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони.

Худудларнинг инвестицион фаоллиги ифода этувчи иккинчи гурухдаги кўрсаткичларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (йиллик)

- асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиациялар (йиллик)

- молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиациялар таркиби (чет эл


инвестициялари ва кредитлари)

- инвестициялар ва қурилиш фаолиятининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари (жорий нархларда, млрд. сўм);

- худудлар иқтисодиёт тармоқларига кириритилган инвестицияларнинг республика инвестициялар ҳажмидаги улуши ва унинг ўзгариш бориши;

- ICOR (Incremental Capital-Output Ratio) индекси каби кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар тизими асосида мақсаддага эришиш учун кўйдаги таҳлилларни амалга оширамиз.



1-расм. Давлат бюджетида солиқли даромадларнинг тушуми, млрд. сўм[5]

1-расмдан кўринадики, 2017 йилда жами давлат бюджети ҳажмида солиқли даромадлар 69,8 фоизни, 2018 йилда 68,5 фоизни, 2019 йилда 74 фоизни, 2020 йилда 77,9 фоизни, 2021 йилда 77,7 фоизни ташкил этган. Умуман олганда, худудларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг ўрни муҳим аҳамитяга эга ҳисобланади. Буни қўйидаги таҳлиллар орқали ҳам кўриш мумкин.

Қўйидаги худудларнинг маҳаллий бюджети даромадлари ҳажмида солиқли даромадларнинг таҳлилидан кўриш мумкинки, 2017 йилда маҳаллий бюджетларнинг жами ҳажмида солиқларнинг улуши 99,8 фоизни ташкил

этган бўлса, 2021 йилда 99,3 фоизни ташкил этган. Худудлар кемисида таҳлилар шуни кўрсатадики, 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджет даромадларининг умумий ҳажмида солиқларнинг улуши 99,7 фоизни, Андижон вилоятида ушбу кўрсаткич 99,5 фоизни ташкил қилган.

Худудлар маҳаллий бюджет даромадлари (млрд сўм) ҳажмида солиқларнинг улуши, фоизда[5]

Йиллар	ДАРОМАД ТУРЛАРИ	ЖАМИ	Республика бюджети	Махаллий бюджет жами	шу жумладан:													
					Коракалпогистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Кашкадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманганд вилояти	Самарканд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
2017 йил	Давлат бюджети	75182	55238	22074	2 061	1 609	1 281	893	2 291	1 201	1 289	1 891	1 357	699	1 927	1 785	1 098	2 692
	Солиқли даромадлар	52473	30574	22019	2057	1595	1275	890	2280	1199	1276	1885	1354	696	1921	1778	1096	2 652
Солиқли даромадларнинг улуши, фоизда				99,8	99,8	99,1	99,5	99,7	99,5	99,8	99,02	99,7	99,8	99,5	99,7	99,6	99,8	98,5
2018 йил	Давлат бюджети	79 102	56 158	22 944	2 241	1 709	1 383	948	2 341	1 217	1 360	1 971	1 378	710	1 949	1 833	1 106	2 796
	Солиқли даромадлар	54 187	31 330	22 857	2 238	1 706	1 380	946	2 338	1 215	1 354	1 967	1 376	708	1 940	1 824	1 102	2 764
Солиқли даромадларнинг улуши, фоизда				99,6	99,9	99,8	99,8	99,8	99,9	99,8	99,6	99,8	99,9	99,7	99,5	99,5	99,6	98,9
2019 йил	Давлат бюджети	112 165	77 031	35 134	2 953	2 625	2 410	1 241	3 784	1 878	2 238	2 567	1 845	817	3 721	3 836	1 467	3 753
		83 047	48 031	35 016	2 946	2 617	2 404	1 237	3 776	1 872	2 228	2 560	1 836	813	3 711	3 813	1 455	3 749
Солиқли даромадларнинг улуши, фоизда				99,8	99,7	99,8	99,7	99,8	99,7	99,6	99,7	99,5	99,5	99,7	99,4	99,2	99,9	99,8
2020 йил	Давлат бюджети	132 938	105 235	27 703	2 744	2 106	1 783	1 058	2 469	1 541	1 763	2 386	1 606	716	2 395	2 677	1 303	3 156
		103 562	76 004	27 558	2 740	2 094	1 773	1 046	2 461	1 537	1 752	2 378	1 601	712	2 384	2 647	1 286	3 147
Солиқли даромадларнинг улуши, фоизда				99,5	99,9	99,4	99,4	98,9	99,7	99,7	99,4	99,7	99,7	99,4	99,5	98,9	98,7	99,7
2021 йил	Давлат бюджети	164 799	129 626	35 173	1 869	2 419	2 374	1 460	2 722	1 948	2 297	3 155	1 993	882	3 734	3 665	1 743	4 911
		127 970	93 029	34 941	1 864	2 407	2 364	1 453	2 709	1 941	2 281	3 131	1 980	877	3 693	3 638	1 729	4 874
Солиқли даромадларнинг улуши, фоизда				99,3	99,7	99,5	99,6	99,5	99,5	99,6	99,3	99,2	99,3	99,4	98,9	99,3	99,2	99,2

Шунингдек, 1-жадвалга кўра,
 2021 йилда Бухоро вилояти маҳаллий
 бюджети даромадлари ҳажмида
 солиқларнинг улуши 99,6 фоизни, Жizzах
 вилоятида мазкур кўрсаткич 99,5 фоизни,
 Қашқадарё вилоятида 99,5 фоизни,
 Навоий вилоятида 99,6 фоизни, Наманган
 вилоятида 99,3 фоизни, Самарқанд
 вилоятида 99,2 фоизни, Сурхондарё
 вилоятида 99,3 фоизни, Сирдарё
 вилоятида 99,4 фоизни, Тошкент
 вилоятида 98,9 фоизни, Фарғона
 вилоятида 99,3 фоизни, Хоразм вилоятида
 99,2 фоизни, Тошкент шаҳрида 99,2
 фоизни ташкил этмоқда. Умуман олганда,
 худудларнинг маҳаллий бюджети

даромадларида солиқларнинг улуши 99
 фоиздан юқори эканлиги ҳудудлар
 молиявий барқарорлигини таъминлашда
 солиқларнинг ўрни муҳим ва аҳамияти
 катта эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳудудларнинг молиявий
 фаоллигини кўрсатувчи кўрсаткичлар
 таҳлилини амалга оширишда ҳудудлар
 кесимида фаолият кўрсатаётган корхона
 ва ташкилотларнинг демографик таҳлили
 муҳим аҳамиятга эга. Сабаби ушбу
 корхоналар, яъни тадбиркорлик
 субъектлари худуд молиявий
 барқарорлигини таъминлашдаги асосий
 иштироқчи – солиқ тўловчи ҳисобланади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси худудларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари – корхона ва ташкилотлар сони[6]

йиллар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	Жамида улуши (%), 2017 йилга нисбатан	2017 йилга нисбатан ўзгариниши, (%)
	республика бўйича жами	228736	229177	241201	246687	257758	268428	285531	323517	398133		
<i>шу жумладан худудлар кесимида</i>												
Қорақалпгистон Республикаси	11300	11274	11306	12234	12552	12946	13742	15590	18404	21968	4,6	194,4
Андижон	21815	22606	23991	24835	26048	26278	24644	27391	30740	36726	7,7	168,4
Бухоро	13057	12403	11468	12082	13828	14809	15625	18115	23459	28233	5,9	216,2
Жizzах	9184	9053	9414	9722	10076	10694	12008	14226	17190	20993	4,4	228,6
Қашқадарё	20347	20437	19868	19570	18557	18005	18471	20915	25259	30180	6,4	148,3
Навоий	7857	7919	8062	8127	8533	8771	9469	11175	17067	20133	4,2	256,2
Наманган	14569	15076	15953	16698	17695	18746	19952	21269	25909	30882	6,5	212,0
Самарқанд	17223	16497	17403	17610	18553	19435	21061	25066	31354	38946	8,2	226,1
Сурхондарё	12559	11649	14036	12259	12207	13003	13719	15172	19220	25367	5,3	202,0
Сирдарё	7623	7423	7952	8195	8300	8993	9392	10367	13169	15425	3,2	202,3
Тошкент	20473	21333	22823	23954	24403	25019	26919	31030	38523	46173	9,7	225,5
Фарғона	19016	19230	21173	21795	23083	23310	25571	29128	35379	42241	8,9	222,1
Хоразм	12044	12043	12502	13003	12899	13342	13674	14837	18614	21979	4,6	182,5
Тошкент.ш	41669	42234	45250	46603	51024	55077	61284	69236	83846	95951	20,2	230,3

2-жадвал маълумотларидан
 кўринадики, республика бўйича фаолият
 кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари –
 корхона ва ташкилотлар сони жами
 2012 йилда 228736 тани ташкил этган
 бўлса, 2013 йилда 229177 тани,
 2014 йилда 241201 тани, 2015 йилда
 246687 тани, 2016 йилда 257758 тани

ташкил этиб, мазкур кўрсаткич 2012-2016
 йиллар, яъни кузатилган 5 йил давомида
 122 фоизга ортган ёки бошқача қилиб
 айтган корхона ва ташкилотлар сони
 29022 тага кўпайган. Шунингдек, охирги
 беш йиллиқда (2017-2021 йиллар
 давомида) корхона ва ташкилотлар сони
 республика бўйича 177 фоиздан ортиқقا

кўпайган. Бу борада, 2017 йилда уларнинг сони 268428 тага етган бўлса, 2018 йилда 285531 тани, 2019 йилда 323517 тани, 2020 йилда 398133 тани, 2021 йилда 475197 тани ташкил этганлигини кўрамиз. Ўтган ўн йил давомида тадбиркорлик мухитини янада яхшилаш, бу борадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, тегишли норматив-хуқуқий хужжатларнинг қабул қилиниши натижасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 246461 тага кўпайган. Ушбу кўрсаткич фоиз ҳисобида

2021 йилда 2017 йилга нисбатан 207 фоизга ёки 2 марта ортганлиги худудларнинг молиявий салоҳиятининг ортганлигини англатади. Худудий миқёсда таҳлил қилинганда, корхона ва ташкилотлар демографиясида 2017 йилда Тошкент шаҳрида 41669 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатган бўлса, мазкур йилда энг паст кўрсаткич Сирдарё вилояти (7623)да қайд этилганлигини

кўриш мумкин. Бундан ташқари, 2021 йилда худудларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари – корхона ва ташкилотлар сони бўйича республикадаги улуши борасида ТОП-5 таликка Тошкент шахри (20,2 %), Тошкент вилояти (9,7 %), Фарғона вилояти (8,9 %), Самарқанд вилояти (8,2 %), Андижон вилояти (7,7 %) каби ҳудудларни киритиш мумкин. Айтиш мумкини, ушбу кўрсаткичлар орасидаги тафовутлар ўз навбатида ҳудудлардаги молиявий фаолликка ҳам ўзининг фаол таъсирини ўтказиши табиий, албатта. Бундан ташқари, ҳудудлардаги тадбиркорлик мухитини янада яхшилаш орқали ушбу имкониятни ошириш зарурияти ҳам мавжуддир.

Қолаверса, ҳудудлар кесимида фаолияти тутатилган корхона ва ташкилотлар сонининг таҳлилини қиласиз. Бу орқали ҳудудлардаги молиявий фаоллик борасидаги асосий иштироқчилар фаолиятининг тутатилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш имконияти мавжуд бўлади.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида фаолияти тутатилган иқтисодий фаолият иштироқчилари – корхона ва ташкилотлар сони[6]

Ҳудудлар номи	Йиллар										2017 йилда жамшидига ушуши, (%)	2017 йилга нисбатан ўзгариши, (%)
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021		
Ўзбекистон Республикаси	20025	21305	19974	23667	27220	26475	16673	16880	11547	48676		
Қорақалпоғистон Республикаси	1378	1150	911	1214	1275	1161	996	1056	750	2317	4,8	59,5
Андижон	853	691	582	771	3161	4476	1002	2070	848	5181	10,6	16,5
Бухоро	1255	2022	1293	1494	1563	1467	885	927	957	3049	6,3	41,2
Жizzах	595	642	606	656	1393	1105	643	605	403	2507	5,2	23,7
Қашқадарё	1781	1873	4651	3336	2603	1981	629	1115	791	3099	6,4	57,5
Навоий	507	814	594	567	757	657	497	828	785	2703	5,6	18,8
Наманган	914	1595	941	1223	1319	1758	1925	1471	1126	3968	8,2	23,0
Самарқанд	2137	1435	1144	1892	1641	1988	1088	1428	991	2852	5,9	74,9
Сурхондарё	968	2222	757	2507	1615	1625	2100	912	722	2010	4,1	48,2
Сирдарё	627	513	543	680	723	1016	512	478	547	1721	3,5	36,4
Тошкент	1112	998	967	1417	2602	2468	1120	1692	997	5305	10,9	21,0
Фарғона	1746	1718	2432	1643	2846	1417	833	712	601	4331	8,9	40,3
Хоразм	1463	951	822	1382	1215	1328	811	1031	871	1818	3,7	80,5

Toшкент.ш	4689	4681	3731	4885	4507	4028	3632	2555	1158	7815	16,1	60,0
-----------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------

Худудлар кесимида фаолияти тутатилган иқтисодий фаолият иштирокчилари – корхона ва ташкилотлар сони таҳлилини акс эттирган юқоридаги 3-жадвалдан маълум бўладики, республика бўйича 2012 йилда 20025 та корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият субъектлари сифатида ўз фаолиятини тутатган бўлса, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 21305 тани, 2014 йилда 19974 тани, 2015 йилда 23667 тани, 2016 йилда 27220 тани, 2017 йилда 26475 тани, 2018 йилда 16673 тани, 2019 йилда 16880 тани, 2020 йилда 11547 тани, 2021 йилда 48676 тани ташкил этган. Ушбу кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлилини амалга оширганимизда, фаолиятини тутатган корхоналар ва ташкилотлар сони 2021 йилда 2012 йилга нисбатан 41 фоиздан ортиқ кўпайганлигини аниқ бўлди. Шунингдек, ушбу таҳлилий кўрсаткич худудлар кесимида, хусусан Қорақалпоғистон Республикасида 59,5 фоизни, Андижон вилоятида 16,5 фоизни, Бухоро вилоятида 41,2 фоизни, Жиззах вилоятида 23,7 фоизни, Қашқадарё вилоятида 57,5 фоизни, Навоий вилоятида 18,8 фоизни, Наманган вилоятида 20 фоизни, Самарқанд вилоятида 74,9 йоизни, Сурхондарё вилоятида 48,2 фоизни, Сирдарё вилоятида 36,4 фоизни, Тошкент вилоятида 21 фоизни, Фарғона вилоятида 40,3 фоизни, Хоразм вилоятида 80,5 фоизни, Тошкент шаҳрида 60 фоизни этиш юқоридаги молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг мантақий давоми бўлади.

ташкил этган. Фаолияти тутатилган корхона ва ташкилотлар сонининг республика бўйича жамига нисбатан улуши борасида Тошкент вилояти (10,9 фоиз), Андижон вилояти (10,6 фоиз), Фарғона вилояти (8,9 фоиз), Наманган вилояти (8,2 фоиз) етакчилик килиб келиши баробарида ушбу худудларда республиканинг бошқа худудларига нисбатан 2021 йилда кўп тадбиркорлик субъектлари фаолияти тутатилган. Албатта, ушбу жараён худудларнинг молиявий фаоллигига жиддий салбий таъсир этиш эҳтимоли юқори ҳисобланади.

Мунозара. Ававал таъкидланганидек, худудларнинг инвестицион фаоллиги ифода этувчи иккинчи гурӯҳ кўрсаткичлари, яъни асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (йиллик), аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (йиллик), молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби (чет эл инвестициялари ва кредитлари), инвестиациялар ва қурилиш фаолиятининг асосий ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари (жорий нархларда, млрд. сўм), худудлар иқтисодиёт тармоқларига кириритилган инвестицияларнинг республика инвестициялар ҳажмидаги улуши ва унинг ўзгариш бориши ва ICOR (Incremental Capital-Output Ratio) индекси каби кўрсаткичларни таҳлил

4-жадвал

**Худудлар кесимида асосий капиталга ўзлаштирилган
инвестициялар, млрд. сум[6]**

Худудлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2021 йилда улини, %
Ўзбекистон Республикаси	24455,3	30484,9	37646,2	44810,4	51232,0	72155,2	123159,8	193164,1	209563,1	237345,1	
Қорақалпоғистон Республикаси	1242,1	2415,0	3990,6	6021,2	3778,3	2822,0	6757,8	8750,6	7089,8	8110,7	3,4
Андижон	1379,9	1462,3	1645,0	1956,5	2188,5	2986,0	4711,9	7452,1	9622,6	11176,6	4,7
Бухоро	2405,8	2998,7	3583,2	4075,9	5922,9	11613,4	9610,9	10366,6	12183,9	20528,3	8,6
Жиззах	792,5	1128,5	1200,9	1304,9	1449,7	1788,2	3606,3	7900,9	12545,4	9233,6	3,9
Қашқадарё	3072,2	3667,8	4721,8	5894,7	7304,4	11175,3	16518,5	24462,5	20557,6	17359,1	7,3
Навоий	1688,0	1696,9	1754,1	1809,1	2963,2	3977,9	10579,5	17646,3	15688,4	15020,1	6,3
Наманган	917,3	1205,1	1807,5	2227,5	2824,5	3586,7	8158,1	12084,9	12007,2	12982,0	5,5
Самарқанд	1586,0	2127,6	2540,4	3237,2	3623,5	4384,2	7061,4	10266,7	14656,4	15641,6	6,6
Сурхондарё	980,3	1371,0	1509,1	1843,6	2142,4	3551,0	7240,6	11835,1	10068,2	12037,8	5,1
Сирдарё	663,1	852,8	992,3	1083,3	1322,9	1628,0	2699,3	5869,1	7191,9	8051,8	3,4
Тошкент	2005,8	3195,2	4021,7	4428,1	4238,7	5938,4	11226,9	20353,9	21148,6	28113,6	11,8
Фарғона	1505,8	2130,0	2295,3	2542,3	2643,6	2954,5	5539,1	8685,4	11040,0	12625,2	5,3
Хоразм	783,4	1256,9	1614,8	1531,5	1560,5	2175,9	3013,8	5032,0	5391,8	8292,0	3,5
Тошкент.ш	5433,1	4977,1	5969,5	6854,6	9268,9	13573,7	26435,7	42458,1	50371,3	58172,7	24,5

4-жадвал таҳлили натижалари шуни
курсатадики, 2012 йилда жами
молиялаштириш манбалари ҳисобига
24455,3 млрд сўм хажмидаги асосий
капиталга инвестициялар киритилган
бўлса, 2021 йилда ушбу курсаткич деярли
10 марта ортиб, 237345,1 млрд сўмни
ташкил қилган. Албатта, асосий капиталга
киритилган инвестициялар ҳажмининг
ўсишида малакат инвестиция муҳитининг
либераллашганлиги ва унинг
жозибадорлигининг ошиши муҳим
ҳамиятга эга ҳисобланади. Қолаверса,
худудлар кесимида 2021 йилда асосий
капиталга киритилган жами
инвестициялар ҳажмида юқори

улушларни Тошкент шахри (24,5 фоиз),
Тошкент вилояти (11,8 фоиз), Бухоро
вилояти (8,6 фоиз) каби худудлар
эгалланган бўлса, асосий капиталга энг
кам инвестициялар жалб этилган
худудларга Қорақалпоғистон
Республикаси (3,4 фоиз), Хоразм вилояти
(3,5 фоиз), Сирдарё вилояти (3,4 фоиз),
Андижон вилояти (4,7 фоиз), Жиззах
вилояти (3,9 фоиз) кабилар киритилган.
Асосий капиталга киритилган
инвестициялар ҳажмига энг кам улушга
эгалик қилган худудларда инвестиция
фаоллигини ошириш борасида шошилинч
чора-тадбирларни амалга ошириш
мақсадга мувофиқдир.

5-жадвал

**Худудлар кесимида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга
ўзлаштирилган инвестициялар таркиби, фоизда
(чет эл инвестициялари ва кредитлари) [6]**

Худудлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	19,0	18,1	18,5	18,5	20,7	23,8	24,3	43,6	42,7	42,3

Қорақалпоғистон Республикаси	28,7	30,5	47,4	48,2	44,6	10,0	23,7	36,9	38,9	37,4
Андижон	7,5	5,2	6,2	4,4	4,9	7,2	14,8	39,6	36,3	45,6
Бухоро	50,4	50,6	45,1	35,9	52,4	71,0	44,0	53,9	48,2	58,5
Жиззах	3,1	2,8	5,9	2,9	7,3	10,8	8,7	48,8	61,9	44,5
Қашқадарё	23,2	22,8	19,5	17,6	27,5	18,0	51,1	70,3	69,3	53,6
Навоий	24,0	22,7	10,3	3,0	5,1	24,2	34,0	39,9	67,8	61,3
Наманган	3,2	6,8	16,4	21,9	22,6	31,6	33,5	45,8	37,2	29,8
Самарқанд	3,6	4,0	3,4	4,0	2,2	2,8	4,7	27,8	27,0	34,9
Сурхондарё	11,0	12,0	12,2	10,4	9,8	11,5	21,4	66,3	60,1	45,2
Сирдарё	2,6	9,6	9,6	10,8	7,7	4,6	9,6	44,8	48,7	59,8
Тошкент	16,1	10,7	10,9	15,3	13,7	12,0	9,6	26,0	26,7	34,3
Фарғона	11,1	11,8	8,7	7,6	8,9	5,8	19,4	42,7	41,3	39,1
Хоразм	9,5	4,8	7,4	2,7	5,8	6,8	8,5	42,5	32,0	33,5
Тошкент.ш	19,6	17,7	13,1	13,0	16,4	18,1	15,1	36,7	29,9	37,3

Худудлар кесимида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркибида чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳажмининг таҳлили шуни кўрсатадики, 2012 йилда республикада асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида чет эл инвестициялари ва кредитлари улуши 19 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилад 42,3 фоизни ташкил этиб, чет эл инвестиция ва кредитларини жалб этиш ишлари 23 фоиздан ортиқقا ўсганлигини кўрамиз. Худудлар кесимида жалб этилган асосий капиталга инвестициялар ҳажмида ҳам ўсиш бўлганлигини кўриш мумкин. Жумладан, ушбу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 2012 йилда 28,7 фоизни, 2021 йилда 37,4 фоизни ташкил этган. Шунингдек, мазкур кўрсактичлар Андижон вилоятида 2012 йилда 7,5 фоизни, 2021 йилда эса 45,6 фоизни, Бухоро вилоятида 2012 йилда 50,4 фоизни, 2021 йилда 58,5 фоизни, Жиззах вилоятида 2012 йилда мос равища 3,1 фоизни, 2021 йилда 44,5 фоизни, Қашқадарё вилоятида 2012 йилда 23,2 фоизни, 2021 йилда 53,6 фоизни ташкил этган. Аҳамиятлиси, мазкур ракам борасида Навоий вилоятида 2021 йилда 24

фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб, ушбу кўрсаткич деярли 2 баробарга ошиб, 61,3 фоизни ташкил этган. Аммо, вилоятда мазкур кўрсаткич 2020 йилда 67,8 фоизни ташкил этганлиги хорижий инвестицияларни ўзлаштиришдаги ишларни жадаллаштиришни талаб этади. Умуман олганда, асосий капиталга жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг ҳажми 2019 йилда умумий асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида нисбатан юқори улушга эга бўлган. Охирги икки йилда мазкур кўрсаткич айрим худудларда сезиларли пасайланлигини натижасидаги инвестиция фаоллигининг пастлиги сифаттида баҳолаб, асосий сабаблардан бири коронавирус пандемиясининг мазкур йилларда авж олганлиги билан боғлаш ўринлидир.

Инвестиция самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш худди шундай инвестиция лойихалари бўйича амалда вужудга келган кўрсаткичларни тадқиқот қилишга асосланиши керак. Одатда, мамлакатда инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда жаҳон амалиётида ICOR (Incremental Capital-Output Ratio) индексидан фойдаланилади (ялпи ички маҳсулот ўсишининг капитал сифими). У қуидагича аниқланади[7]:

$$ICOR = \frac{\left(\frac{I}{Y} \cdot 100\% \right)}{\Delta Y \%}$$

Бу ерда: I – асосий капиталга киритилган инвестициялар, Y – мамлакатда ЯИМ ҳажми, $\Delta Y\%$ – ЯИМ миқдорининг ўсиш суръати, фоизда.

ICOR индекси қанчалик паст бўлса, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади. Бу ерда мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестицияларнинг аҳамияти юқорилигини, ўзлаштирилган ҳар бир бирлик инвестиция ўзидан олдинги даражадан юқори бўлган миқдорда маҳсулот яратиш имконини беради. Бу эса

мавжуд ҳолатда иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни янада кучайтириш кераклигини тақозо этади. ICOR индекси қанчалик юқори бўлса, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлади. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестицияларнинг аҳамияти пастлиги дан гувоҳлик беради, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар билан иқтисодий ўсиш ўзаро мувофиқлашмаган[8].

6-жадвал

Худудлар кесимида инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашнинг ICOR индекси

Худудлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	Солиштириши учун	
										2021	2020 йилга нисбатан ўзгариши
Ўзбекистон Республикаси	2,3	2,8	3,5	4,2	4,8	6,9	11,8	18,5	20,6	22,3	▲
Қорақалпоғистон Республикаси	0,1	0,2	0,4	0,5	0,3	0,3	0,6	0,8	0,7	0,8	▲
Андижон	0,1	0,1	0,2	0,2	0,2	0,3	0,4	0,7	0,9	1,1	▲
Бухоро	0,2	0,3	0,3	0,4	0,6	1,1	0,9	1,0	1,2	1,9	▲
Жizzах	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,2	0,3	0,7	1,2	0,9	▼
Қашқадарё	0,3	0,3	0,4	0,6	0,7	1,1	1,6	2,4	2,0	1,6	▼
Навоий	0,2	0,2	0,2	0,2	0,3	0,4	1,0	1,7	1,5	1,4	▼
Наманган	0,1	0,1	0,2	0,2	0,3	0,3	0,8	1,1	1,1	1,2	▲
Самарқанд	0,1	0,2	0,2	0,3	0,3	0,4	0,7	1,0	1,4	1,4	-
Сурхондарё	0,1	0,1	0,1	0,2	0,2	0,3	0,7	1,1	1,0	1,1	▲
Сирдарё	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,2	0,3	0,5	0,7	0,7	-
Тошкент	0,2	0,3	0,4	0,4	0,4	0,6	1,1	1,9	2,1	2,5	▲
Фаргона	0,1	0,2	0,2	0,2	0,3	0,3	0,5	0,8	1,1	1,2	▲
Хоразм	0,1	0,1	0,2	0,1	0,1	0,2	0,3	0,5	0,5	0,8	▲
Тошкент ш.	0,5	0,5	0,5	0,6	0,8	1,2	2,4	3,9	4,9	5,1	▲

Худудлар кесимида инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашнинг ICOR индекси натижалари шуни кўрсатади, мамлакатда сўнги 5 йилликда асосий капиталга киритилган инвестициялар самарадорлиги пасаймоқда. Айтиш керакки, ICOR - бу мамлакат ёки бошқа корхона учун кейинги ишлаб чиқариш бирлигини яратиш учун зарур бўлган инвестиция капиталининг чегаравий миқдорини баҳоловчи кўрсаткич ҳисобланади. Шу

сабабли, мазкур кўрсаткич қанчалик кичик бўлса шунчалик ижобий баҳоланади. Юқоридаги таҳлилий жадвалда мамлакатимизда реал секторга киритилган инвестициялар самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Бу борадаги ижобий кўрсаткич, яъни ICOR индексининг 2021 йилда 2020 йилган нисбатан пасайиши Қашқадарё, Навоий ва Жizzах вилоятларида қайд этилган.

Хулоса. Худудларда инвестицион



фаолликни таъминлаш борасидаги олиб борилаётган қатор чора-тадбирлар билан бир қаторда кўплаб муаммолар ва илмий асосланган тавсиялар асосида ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам талайгина, албатта.

Биринчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмалари: инженер коммуникация тизими, транспорт ва алоқа тармоқларини ривожлантиришда экологик жиҳатларига эътиборни қаратишнинг лозимлиги. Мазкур муаммо бугунги кунда мамлакатимиз инвестицион фаоллигини таъминлашда мухим аҳамияга эга. Сабаби, худудлардаги ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳолатини яхшилаш орқали инвестиция мухити жозибадорлигини таъсинлаш мумкин. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилда тадбиркорлар билан ўтказилган очик мuloқотида инвестиция мухитини

яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари белгиланган эди, ушбу йўналишлар қуйидагилардир:

- молиялаштириш ва кредитлаш;
- солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини камайтириш;
- ер ажратиш ва хусусий мулк масаласи;
- инфратузилма муаммолари;
- экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига жалб этишнинг янги имкониятлари;
- транспорт ва логистика.

Мазкур йўналишлар ичida ҳозирга қадар инвестиция мухитига фаол таъсир этиб келаётган худудлардаги ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳолатини ривожлантириш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Климонова А.Н. Основные подходы к исследованию понятий «экономическая безопасность» и «экономическая безопасность государства». // Социально-экономические явления и процессы. - 2014. - № 8. - С. 54–60.
2. А.В. Калина, И.П. Савельева. Формирование пороговых значений индикативных показателей экономической безопасности России и ее регионов. // Региональная экономика. 2014, том 8, № 4. С.15-24.,
3. Молчан А.С., Саенко С.В. Экономическая безопасность государства: современное состояние, угрозы и пороговые значения. Научные труды КубГТУ, №2, 2016 г.
4. Бондина Е. А., Чинахова С. Е. Формирование структуры экономической безопасности на предприятиях // Молодой ученый. – 2017. – №13. – С. 253-257.
5. <https://www.mf.uz>
6. <https://stat.uz>
7. Усманов Б.Х. Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюлар ишлаб чиқариш тармоғида инвестицион самарадорлик ва уни баҳолаш усуслари <file:///C:/Users/admin/Downloads/651.pdf>? <https://www.investopedia.com/terms/i/icor.asp>
8. <file:///C:/Users/admin/Downloads/651.pdf>, <https://www.investopedia.com/terms/i/icor.asp>